

**Жорий - таъмирлаш ишларини бажариш бўйича
№ 2 сонли пудрат**

ШАРТНОМАСИ

7«11»2022 yil.

433-6-86-OB/2022-son

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Уйчи туман Ободонлаштириш бошқармаси** номидан А. Рахматулла бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "Истиклол " МЧЖ номидан низом асосида иш кўрувчи О. Темиров иккинчи томондан 02.11 2022 йилдаги № 70747-сонли давлат харидлари бўйича электрон савдолар баённомасига асосан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Шартнома мавзуси

1.Пудратчи мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” тасарруфидаги **Уйчи тумани Исломобод МФЙ Ором кучасини жорий таъмирлаш** ишларини бажариш мажбуриятини олади Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ объектларни жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Умумий шартлар

- 1.Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан ўзаро тасдиқланган (Ф-2, Ф-3) асосида ҳисобга олинади ҳамда тўлов учун тақдим этилади.
- 2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.
- 3.Бажарилган ишлар далолатномаси хар ойнинг 28 кунигача Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.
- 4.Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари

1. Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.
2. Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиши:
3. Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дарактни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.
4. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.
6. Таъмирлаш давомида лойха смета ҳужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрисида буюртмачига ёзма равишда хабар беради

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

1. Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.
2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиши.
3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

V. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар

1. Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси **142400000 (Бир юз қирк икки миллион тўрт юз минг сум)** сўм этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов тендер савдолари натижасида аниқланган қатъий сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш ҳақи тўловларининг ошишига боғлиқ равишда ўзгармайди.

PT7545812083

2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сўнг 30фоиз миқдорида аванс ўтказади, бу эса 42720000сўмни ташкил қилади. Қолган тўловлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 90 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3. Хисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини 07.11.2022 йилдан бошлаб 07.12.2022 йилгача тўлик бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

VI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишининг ёки хизматлар кўрсатишининг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса томонлар бундай тулик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган. Шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

IX. Шартномани бекор қилиш

1. Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда

2. Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда

3. Объектдаги таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда,

4. Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қўйилганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Х. Алохида шартлар

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун нормалари қўлланилади.

5. Мазкур шартнома томонлар ўртасида тасдиқланиб, Ҳазначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланиб, бир хил юридик кучга эга бўлгани ҳолда 3 нусхада тузилди.

6. Шартноманинг амал қилиш муддати «31» декабрь 2022 йилгача.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Пудратчи»

"Истиклол" МЧЖ

(товар, хизматкурсатувчиноми)

Манзил: Наманган вилояти Уйчи тумани Уйчи шаҳарча Беруний МФЙ Беруний куча кўча уй № 6

Тел./факс +998 93 494 59 00
х/р: 20208000904305983001
АТ Халк банк Наманган филиали
МФО 00716СТИР200100194

«Буюртмачи»

Ободонлаштириш бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчи номи)

Манзил: Уйчи ш. Беруний куча 1-уй

Тел: 48-21-864

ШХВ: 100022860142297045204110001

ИНН: 200098442ОКОНХ: 90290
Узб. Рес. Молиявазирлиги Ҳазначилиги
Х/В 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ШББ. ХККМ
МФО: 00014ИНН 201122919



Рахбар

Темиров



Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.

| | |
|--------------------|-------------------------------------|
| Imzolovchi F.I.SH. | AXADULLA RAXMATULLA ASADULLA O'G'LI |
| Imzolangan sana | 07.11.2022 09:48 |
| Hujjat kodi | PT7545812083 |
| Hulosa kodi | TD6374271434 |

PT7545812083

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

TD6374271434

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Namangan viloyati, Uychi tumani, Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 07.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Uychi tumani yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:



I.I.RAXIMOV

07.11.2022


МУХОКАМА АХБОРОТ

05.11.2022 йил


Уйчи туман

Уйчи туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йил 25 октябрдаги № 22110012170747-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси” даги қонуни 56 ва 58-моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича “Исломобод” МФЙ Ором кўчасини жорий таъмирлаш бўйича хизматлари учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси” даги қонуни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “Истиқлол” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси” даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан қолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.


Хайъат раиси ўринбосарлари ва аъзолар:



О. Жакбаров



Т. Жўрабаев



М. Турдиматов



А. Ибайдуллаев



Ш. Тиланов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ISTIQLOL" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ISTIQLOL" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yhatdan o'tqazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

29.12.2002

44

ro'yhat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

200100194

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Uychi tumani, Uychi, BERUNIY MFY, BERUNIY
KO'CHASI, RAQAMSIZ UY, .

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Uychi tumani, YAGONA DARCHA
MARKAZI

to'mondan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

